

МИНТАҚА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РОЛИ

*М.Л.Нуманова, илмий ходим
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари”
илмий тадқиқот маркази*

Иқтисодиётни рақамлаштириш унинг ривожланишининг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Минтақа иқтисодиётининг ривожланиш даражаси инсон капиталининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудларининг ахборотлаштириш даражаси бир-биридан сезиларли фарқ қиласди. Инсон капиталига нисбатан иқтисодиётни ахборотлаштиришни ривожлантириш кўрсаткичларидан бири бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўнгилмаларни рақамлаштириш кўрсаткичларидир. Минтақани ахборотлаштириш кўрсаткичи тегишли индекслар бўйича рейтинг билан белгиланади.

Ҳудудларнинг ахборот жамиятига тайёрлиги индекси электрон ривожланиш омиллари кўрсаткичлари билан белгиланади, улар орасида инсон капитали иқтисодий муҳит ва АҚТ инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида ҳисобга олинади. Минтақани ахборотлаштириш даражаси унинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларидан биридир. Минтақани ахборотлаштириш кўрсаткичи кўплаб индекслардан иборат. Бундан ташқари, ахборотлаштириш даражаси минтақанинг рақамли технологияларни ривожлантириш харажатларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-августдаги ПҚ-357-сон “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ[1], рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши учун РТ мутахассисларини узлуксиз тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мамлакатимизнинг истиқболли вазифаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни рақамлаштириш корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларга янги қадриятларни, бошқарувнинг янги тамойиллари ва усулларини, ишлашнинг янги мезонларини амалга ошириш ва ўзгартириш зарурлигини келтириб чиқаради : (1-расм).

- инновацион инфратузилма – ҳудудда инновацияларни жорий этиш ва бошқаришни кўллаб-қувватлашнинг тегишли тизимини шакллантириш[2];
- бошқарув қарорларини қабул қилиш тезлиги – рақамли лойиҳаларни амалга оширишнинг енг муҳим омили бўлиб, унда маррага биринчи келган киши бозор ва истеъмолчи учун курашда ғалаба қозонади.

- мижозларга эътибор қаратиш – агар саноат иқтисодиёти ва тўйинмаган бозорда рақобатбардошликтининг асосий омили фойда бўлса, тўйинган бозорда нафақат қисқа муддатли молиявий натижалар, балки мижозларнинг диққатини жалб қилиш орқали эришиладиган узоқ муддатли самарадорлик ҳам муҳимdir.

Рақамли иқтисодиётда компаниянинг рақобатбардошлиги омиллари

Инновацион инфратузилма	Бошқарув қарорларини қабул қилиш тезлиги	Мижозларга эътибор қаратиш	Корпоратив маданият	Когнитив ва ижодкорлик	Ривожланган инсон капитали
-------------------------	--	----------------------------	---------------------	------------------------	----------------------------

1-расм. Рақамли иқтисодиётда компаниянинг рақобатбардошлиги омиллари

- корпоратив маданият – рақамлаштириш шароитида истеъмолчиларни қозонишининг энг муҳим омили бу компаниянинг ишончлилиги, этказиб берувчилар билан узоқ муддатли муносабатлар, барқарорлик ва компания тарғиб қиласидиган қадриятлар.
- когнитив ва ижодкорлик – қаттиқ нотинч муҳитда фавқулодда қарор қабул қилиш жараёнлари аслида бозор ва истеъмолчи учун курашда ҳал қилувчи омил хисобланади[3];
- Ривожланган инсон капиталисиз рақамли трансформацияни амалга ошириб бўлмайди.

Расмда келтирилган омилларнинг устуворлиги, шубҳасиз, инсон капитали бўлиб, унинг ёрдамида воқеликка мос келадиган инновацион инфратузилмани шакллантириш мумкин[4]. Дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида жамиятнинг инновацион ривожланиш омили сифатида инсон капиталининг улуши мамлакат фаровонлигининг 60-80 фоизини ташкил қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотларига кўра, Республикада РТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони 2022 йил 1 январь ойи ҳолатига кўра 53 782 кишини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,6 баробар ортган . Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар кесимида кескин фарқقا эга бўлиб, 2022 йилга келиб мутахассисларнинг қарийб 65%и Тошкент шаҳри РТ корхоналарида, 5%и Тошкент, 4%и Фарғона вилоятлари юридик шахсларда фаолият кўрсатмоқда. РТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларни таълим даражасига кўра таҳлил этадиган бўлсак, 2021 йилда республика бўйлаб 50% РТ мутахассислари олий маълумотли, 39%и ўрта маҳсус ва 11%и ўрта таълим даражасига эга[5].

Мутахассисларнинг таълим даражаси кўрсаткичлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида Тошкент шаҳрига нисбатан кескин фарқ қиласи. Жами олий таълимга эга РТ мутахассисларининг 77 %и, жами ўрта

махсус таълим даражасига эга РТ мутахассисларининг 51%и пойтахтимида фаолият юритадилар. Бухоро, Тошкент, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган ва Навоий вилоятларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг аксарияти ўрта таълим даражасига эга.

Жамиятни РТ соҳаси бўйича кўникмасини ошириш, жамиятни рақамлаштириш ва электрон ҳукумат тамойилларини фаол амалга ошириш минтақавий ривожланишнинг асосий устувор йўналишларидан биридир. Давлат хизматлари, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий-иктисодий соҳаларни рақамлаштириш улкан сармояларни талаб қиласидан, шу билан бирга минтақанинг рақобатбардошлигини ва аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан ошириши мумкин бўлган улкан имкониятдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-августдаги ПҚ-357-сон “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/6166541>

Преображенский Б. Инфраструктура поддержки малого предпринимательства в научно-технической сфере / Б. Преображенский, Т. Толстых, Е. Гавrilова // Предпринимательство. — 2006. — № 4. — С. 18—22.

Преображенский Б. Г. Государственное управление: развитие кадрового потенциала и трансформация функций : монография / Б. Г. Преображенский. — Воронеж : ИПЦ «Научная книга», 2015. — 140 с.

Толстых Т. О. Роль человеческого капитала в инновационной инфраструктуре региона / Т. О. Толстых // Научный альманах Центрального Черноземья. — 2013. — № 3. — С. 55—60

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги. Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

О`ЗБЕКИСТОНДА MONOPOL KORXONALAR FAOLIYATIDA RAQOBAT MUHITINI SHAKLLANTIRISH ORQALI BOSHQARISH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

***B.S.Mardiyev, assistent
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti***

Monopoliya atamasining kelib chiqishi bozorga oid tushunchalardan (ya’ni, yunoncha „monoc“ — yagona, bitta va „poleo“ — sotaman) tarkib topsada, uning iqtisodiy asoslari aslida ishlab chiqarishga borib taqaladi. Monopoliyanı quyidagicha ta’riflash o‘rinli: *monopoliya* — monopol yuqori narxlarni o‘rnatish hamda monopol yuqori foyda olish maqsadida tarmoqlar, bozorlar va yaxlit makroiqtisodiyot ustidan hukmronlikni amalga oshiruvchi yirik korxonalarining birlashmalaridir¹⁵⁶. Monopoliya ko‘rinishlari qadimdan mavjud bo`lib, noyob mahsulot yetishtiriladigan yerlar, konlar, suv havzalari, o‘rmonlar va boshqa tabiiy manbalar ozchilik qo`lida to‘planib, egalariga monopol mavqe bergen, ular ma’lum mahsulotni bozorga yakka yetkazib beruvchilarga aylanib, u yerda hukmron bo‘lganlar. Monopoliya o‘z tabiatiga ko‘ra ishlab chiqarishda turg‘unlik paydo qiladi, chunki monopol mavqega tayanib,

¹⁵⁶ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Monopoliya>,